



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

7 (93) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

7 (93)

2026

Июль

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.89-008.1:616.89-02-036

ЎТКИР ИНТОКСИКАЦИОН ПСИХОЗЛАРДА БОШ МИЯ ТЎҚИМАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Рахимбаев М.Д. <https://orcid.org/0009-0004-5783-0432>

E-mail: xvrakd@umail.uz

Каримов Р.Х. <https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

E-mail: r.karimov.86@mail.ru

Ражапов А.А. <https://orcid.org/0009-0002-3045-1585>

E-mail: odil_bek@mail.ru

Урганч Давлат Тиббиёт Институтини Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 www.urgfiltma.uz

✓ Резюме

Ўткир интоксикацион психозлар замонавий психиатрия ва нейронатоморфологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар турли хил психоактив ва заҳарли моддалар таъсири натижасида ривожланиб, марказий нерв тизимида, хусусан бош миЯ тўқимасида тузилмавий ва функционал ўзгаришлар билан кечади. Тадқиқотлар маълумотларига кўра, интоксикацион психозларда нейронал дистрофия, микроциркулятор бузилишлар, миЯ шиши, реактив глиоз ва нейронил структурасининг издан чиқиши етакчи морфологик белгилардир. Ушбу ўзгаришлар интоксикациянинг тури, давомийлиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда қайтувчан ёки қайтмас характер касб этиши мумкин. Бош миЯ тўқимасидаги морфологик ўзгаришларни чуқур ўрганиш интоксикацион психозларнинг патогенезини яхшироқ тушуниш, клиник кечишини баҳолаш ва эрта таъхислаш имкониятларини кенгайтиради.

Калит сўзлар: заҳарланиш, психоз, миЯ тўқимаси морфологияси.

ХАРАКТЕРИСТИКИ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ТКАНЕЙ МОЗГА ПРИ ОСТРЫХ ИНТОКСИЧЕСКИХ ПСИХОЗАХ

Рахимбаев М.Д. <https://orcid.org/0009-0004-5783-0432> E-mail: xvrakd@umail.uz

Каримов Р.Х. <https://orcid.org/0009-0009-0325-2709> E-mail: r.karimov.86@mail.ru

Ражапов А.А. <https://orcid.org/0009-0002-3045-1585> e-mail: odil_bek@mail.ru

Ургенчский государственный медицинский институт, город Ургенч, Хорезмская область,
Узбекистан, ул. Аль-Хорезми, 28 Тел: +998 (62) 224-84-84 www.urgfiltma.uz

Резюме

Острые интоксикационные психозы являются одной из актуальных проблем современной психиатрии и нейронатоморфологии. Данные состояния развиваются в результате воздействия различных психоактивных и токсических веществ и сопровождаются структурными и функциональными изменениями в центральной нервной системе, в частности в ткани головного мозга. Согласно данным исследований, при интоксикационных психозах ведущими морфологическими признаками являются нейрональная дистрофия, нарушения микроциркуляции, отёк головного мозга, реактивный глиоз и дезорганизация структуры нейрона. Указанные изменения, в зависимости от вида интоксикации, её длительности и степени тяжести, могут носить обратимый либо необратимый характер. Глубокое изучение морфологических изменений ткани головного мозга позволяет более полно понять патогенез интоксикационных психозов, оценить особенности их клинического течения и расширить возможности ранней диагностики.

Ключевые слова: отравление, психоз, морфология мозговой ткани.

CHARACTERISTICS OF MORPHOLOGICAL FEATURES OF BRAIN TISSUE IN ACUTE INTOXIC PSYCHOSIS

Rakhimbaev M.D. <https://orcid.org/0009-0004-5783-0432> E-mail: xvrakd@umail.uz
Karimov R.Kh. <https://orcid.org/0009-0009-0325-2709> E-mail: r.karimov.86@mail.ru
Razhapov A.A. <https://orcid.org/0009-0002-3045-1585> E-mail: odil_bek@mail.ru

Urgench State Medical Institute, Urgench, Khorezm region, Uzbekistan, st. Al-Khorezmi, 28
Tel: +998 (62) 224-84-84 www.urgfiltma.uz

✓ Resume

Acute intoxication psychoses represent one of the pressing issues in modern psychiatry and neuropathology. These conditions develop as a result of exposure to various psychoactive and toxic substances and are accompanied by structural and functional alterations in the central nervous system, particularly in brain tissue. According to current research data, the leading morphological features of intoxication psychoses include neuronal dystrophy, microcirculatory disturbances, cerebral edema, reactive gliosis, and disorganization of the neuropil structure. Depending on the type, duration, and severity of intoxication, these changes may be either reversible or irreversible. A comprehensive study of morphological alterations in brain tissue contributes to a deeper understanding of the pathogenesis of intoxication psychoses, facilitates the assessment of their clinical course, and expands opportunities for early diagnosis and improvement of therapeutic strategies.

Key words: poisoning, psychosis, morphology of brain tissue.

Долзарблилиги

Инттоксикацион психозлар турли хил заҳарли моддалар таъсири натижасида ривожланадиган руҳий бузилишлар бўлиб, улар халқаро касалликлар таснифида алоҳида нозологик бирлик сифатида қайд этилган [1]. Ушбу ҳолатларда марказий нерв тизимида юзага келадиган ўзгаришлар, айниқса бош миё тўқимасидаги морфологик бузилишлар клиник кўринишларнинг оғирлиги ва қайтувчанлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Токсик ва метабolik энцефалопатияларда нейронал дистрофия, хроматолиз, пикноз ҳамда нейронларнинг некробиотик ўзгаришлари етакчи морфологик белгилари сифатида таърифланган [2]. Шу билан бирга, миё тўқимасида микроциркулятор бузилишлар, периваскуляр шиш ва интерстициал эдемалар интоксикациянинг ўткир босқичида устунлик қилади [3]. Замонавий нейропатоморфологик тадқиқотларга кўра, токсик таъсир натижасида астроцитлар ва микроглия фаоллашуви кучаяди, бу эса реактив глиознинг шаклланишига олиб келади [4]. Ушбу жараёнлар нейропил структурасининг бузилиши ва синаптик алоқаларнинг пасайиши билан кечади. Айниқса, ўткир ва сурункали интоксикацияларда миё тўқимасида шиш, қон томир деворларининг ўтказувчанлиги ошиши ва диапедез қон қуйилишлари тез-тез кузатилади [5]. Бундай ўзгаришлар клиник жиҳатдан делирий, галлюцинатор-параноид синдромлар ва онг бузилишлари билан намоён бўлади. Токсик миё шикастланишларида морфологик ўзгаришларнинг қайтувчан ёки қайтмаслиги интоксикация давомийлиги, модданинг тури ва дозасига боғлиқ эканлиги кўрсатилган [6]. Хужайравий даражада эса митохондриял дисфункция, оксидловчи стресс ва апоптоз механизмлари нейротоксик таъсирнинг асосий патогенетик ҳалқаси ҳисобланади [7]. Клиник ва морфологик маълумотларни солиштириш интоксикацион психозларни эрта ташхислаш, асоратларни олдини олиш ва самарали даволаш тактикаси ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади [8,9,10,11].

Тадқиқот мақсади: интоксикацион психознинг турли шаклларида миё тўқимасининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш.


Материал ва усуллар

Сўнги 5 йил ичида ўткир интоксикацион психоздан ўлганларни бош миё тўқимасидан умумгистологик усулда микропрепаратлар тайёрланди. Миё пўстлоғини гистологик текшириш натижасида вафот этган 18 кишида ўтказилди. Ўткир (24 соат мобайнида) комбинацияланган заҳарланиш наша ва этил спирти билан. Шулардан 17 таси эркаклар, 1 таси аёл. Вафот

этганларнинг ёши 19 ёшдан 56 ёшгача бўлган. Қондаги этил спиртининг миқдори 1,6% дан 3,5 % гача бўлган. Мия бўлаклари 10% формалинда фиксация қилиниб, парафинли блокларга қуйилди. Гистологик кесмалар гематоксин ва эозинга, ҳамда Ниссл бўйича бўялди, кейинчалик морфологик таҳлили Leica микроскопи ёрдамида морфологик текширилди.

Натижа ва таҳлиллар

Ўткир интоксикацион психозларда бош мия тўқимасида кузатилган морфологик ўзгаришлар интоксикациянинг оғирлиги, таъсир қилувчи токсик агентнинг тури ва таъсир давомийлигига бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўткир интоксикация шароитида бош мияда ривожланган морфологик ўзгаришлар асосан дистрофик, дисциркулятор ва нейродегенератив жараёнлар билан ифодаланади. Микроскопик текширувлар натижасида бош мия қора моддаси ва пўстлоқ қаватларида нейронларнинг шишиши, цитоплазманинг вакуолизацияси, Ниссель моддасининг парчаланиши (тигролиз), айрим ҳолларда нейронларнинг пикнотик ўзгаришлари кузатилди. Бу ҳолатлар нейронларнинг метаболик фаолияти кескин бузилганлигини ва энергетик етишмовчилик ривожланганлигини кўрсатади. Айниқса, пирамидал нейронларда ушбу ўзгаришлар яққол ифодаланган бўлиб, уларнинг функционал заифлашуви клиник жиҳатдан психомотор қўзғалиш, онг бузилиши ва галлюцинатор синдромлар билан боғлиқ эканлиги тахмин қилинади. Глиал элементлар томонидан реактив ўзгаришлар ҳам аниқланди. Астроглиоцитлар гипертрофияси, глиал ҳужайралар сонининг ошиши ва уларнинг периваскуляр жойлашуви интоксикацион таъсирга жавоб сифатида ривожланган компенсатор-ҳимоя механизми деб баҳоланди.



1 Расм. Ўткир интоксикацион таъсир натижасида ривожланган бош мия тўқимасининг дистрофик-дегенератив ва дисциркулятор шикастланиши, реактив глиоз ва интерстициал ҳамда периваскуляр шиш билан характерланади. Бўёқ: гематоксин ва эозин.40x10

Текширилган микропрепаратда бош мия тўқимасининг диффуз шикастланиши белгилари аниқланади. Нейропил структураси нотекис, бўшашган бўлиб, интерстициал шиш белгилари кузатилади. Тўқима ичида кўп сонли майда оч рангли бўшлиқлар мавжуд бўлиб, улар перинеуронал ва периваскуляр шиш билан боғлиқ вакуолизация ҳолатини акс эттиради. Нейронлар сони камайган, сақланган нейронларда эса цитоплазманинг шишиши, Ниссель моддасининг парчаланиши (хроматолиз) ва айрим ҳужайраларда ядро пикнозининг белгиларини кузатиш мумкин. Бу ўзгаришлар нейронларнинг дистрофик ва дегенератив жараёнларга учраганлигини кўрсатади. Глиал элементлар томонидан реактив ўзгаришлар яққол намоён бўлган: астроглиоцитлар сони нисбатан ошган, уларнинг ядролари гиперхром, шакли чўзилган ҳолда бўлиб, глиоз ривожланишини кўрсатади. Майда глиал ҳужайралар

периваскуляр соҳаларда тўпланиб, реактив глиоз белгиларини ифодалайди. Қон томирлар атрофида периваскуляр шиш, айрим капиллярлар люменининг кенгайиши ва эндотелий хужайраларининг шишиши кузатилади. Томир деворлари аниқ контурланмаган, бу микроциркулятор бузилишлар ва гематоэнцефалик тўсиқ ўтказувчанлигининг ошганлигини кўрсатади. Айрим соҳаларда майда диапедез қон қуйилиш элементлари истисно этилмайди. Оқ модда соҳаларида аксонал толаларнинг бўшашиши ва миелин структураларининг парчаланиши билан боғлиқ демиелинизация элементлари аниқланади, бу эса нейронлараро импульс ўтказувчанлигининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолат бош миёдаги гематоэнцефалик тўсиқнинг бузилиши ва токсик моддаларнинг нейротўқимага кириб боришини чеклашга қаратилган адаптив реакция сифатида изоҳланади. Қон томир тизимида аниқланган морфологик ўзгаришлар дисциркулятор характерга эга бўлиб, капиллярлар кенгайиши, эндотелий хужайраларининг шишиши, периваскуляр шиш ва майда диапедез қон қуйилишлари билан намоён бўлди. Айрим ҳолларда микротромбоз белгилари кузатилиб, бу ҳолат маҳаллий ишемик жараёнларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Мазкур ўзгаришлар интоксикация шароитида микроциркуляциянинг бузилиши бош миё шикастланишининг асосий патогенетик бўғинларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Оқ моддада миелин толаларининг парчаланиши, аксонал шиш ва демиелинизация элементлари аниқланди. Бу ўзгаришлар нейронлараро импульс ўтказувчанлигининг пасайишига сабаб бўлиб, клиник жиҳатдан когнитив бузилишлар, дезориентация ва неврологик симптомлар билан уйғунликда намоён бўлиши мумкин. Олинган натижаларни адабиёт маълумотлари билан солиштириб таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўткир интоксикацион психозларда бош миё тўқимасида кузатиладиган морфологик ўзгаришлар кўп жиҳатдан гипоксия, оксидатив стресс ва нейромедиатор алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ. Айрим муаллифлар томонидан таъкидланганидек, интоксикация вақтида эркин радикаллар миқдорининг ортиши нейрон мембраналарининг шикастланишига олиб келиб, морфологик ўзгаришларнинг чуқурлашувига сабаб бўлади. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари ўткир интоксикацион психозларда бош миё тўқимасида ривожланган морфологик ўзгаришлар тизимли характерга эга эканлигини, нейронал, глиал ва қон томир компонентларининг бир вақтда шикастланишини кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар касалликнинг клиник кечиши ва оғирлик даражасини морфологик жиҳатдан асослаб бериш имконини яратади ҳамда патогенетик асосланган даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Хулосалар

1. Ўткир интоксикацион психозларда бош миё тўқимасида морфологик ўзгаришлар асосан диффуз характерга эга бўлиб, нейронал дистрофия, интерстициал ва периваскуляр шиш билан ифодаланади.
2. Нейронларда цитоплазматик шиш, хроматолиз, ядро пикнози ва айрим ҳолларда нейронлар сонининг камайиши аниқланиб, бу ҳолатлар нейронларнинг функционал заифлашувини кўрсатади. Глиал элементлар томонидан реактив ўзгаришлар (астроглиоз) яққол намоён бўлиб, глиал хужайралар зичлигининг ошиши интоксикацион таъсирга жавоб сифатида ривожланган компенсатор-адаптив жараён эканлиги аниқланди.
3. Микроциркулятор тизимда капиллярлар кенгайиши, эндотелий хужайраларининг шишиши ва периваскуляр шиш белгилари кузатилиб, бу ҳолат гематоэнцефалик тўсиқ ўтказувчанлигининг ошганлигини тасдиқлайди.
4. Оқ моддада аксонал толаларнинг бўшашиши ва миелин структураларининг парчаланиши демиелинизация элементларининг мавжудлигини кўрсатиб, нейронлараро импульс ўтказувчанлигининг бузилишига морфологик асос яратади.
5. Аниқланган морфологик ўзгаришлар ўткир интоксикацион психозларнинг клиник белгилари (онг бузилиши, психомотор қўзғалиш) билан узвий боғлиқ бўлиб, касаллик патогенезида гипоксия, микроциркуляция бузилиши ва нейродегенератив жараёнлар етакчи ўрин тутишини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. World Health Organization. ICD-11: International Classification of Diseases for Mortality and Morbidity Statistics. Geneva: World Health Organization; 2022.
2. Jellinger KA. Toxic and metabolic encephalopathies: neuropathological patterns and mechanisms. J Neural Transm (Vienna). 2021;128(12):1809-1833. doi:10.1007/s00702-021-02423-2.
3. Popescu BFG, Lucchinetti CF. Pathology of toxic and metabolic disorders of the brain. In: Continuum (Minneapolis Minn). 2021;27(1):250-278. doi:10.1212/CON.0000000000000938.
4. Ellison D, Love S, Chimelli L, Harding BN, Lowe J, Vinters HV, et al. Neuropathology. 4th ed. Philadelphia: Elsevier; 2022.
5. Kumar V, Abbas AK, Aster JC. Robbins and Cotran Pathologic Basis of Disease. 11th ed. Philadelphia: Elsevier; 2024.
6. Harper C, Kril J. Neuropathology of acute and chronic toxic brain injury. Acta Neuropathol. 2022.
7. Langford D, Masliah E. Cellular mechanisms of neurotoxicity in acute intoxications. Neurotoxicology. 2021;84:1-12.
8. Ropper AH, Samuels MA, Klein JP, Prasad S. Adams and Victor's Principles of Neurology. 12th ed. New York: McGraw-Hill Education; 2023.
9. Каримов РХ, Мусаев УМ, Рузметова ДТ. Ятрогения на примерах из практики (по данным лет обзор). International Conference on Multidisciplinary Science. 2023;1(1):10-12.
10. Khasanovich KR, Davlatbaevich RM, Anvarbekovich RA. Morphology and histochemical characteristics of brain tissue in acute intoxication psychosis. International Conference on Medicine, Science, and Education. 2024;1(7):49-54.
11. Каримов Р, Рахимбаев М, Раджапов А. Интоксикацион психозда мия тўқимасининг морфологияси. International Conference on Multidisciplinary Science. 2026;4(1):63-64. doi:10.5281/zenodo.18272915.

Қабул қилинган сана 20.06.2026